XALQ DEPUTATLARI NAVOIY SHAHAR KENGASHI
Q A R O R I

2022 - yil 22 - iyun VII-44-94-5-79-K/22 Navoiy shahar hokimligi

Навоий шаҳар ҳокимлиги Уй-жой ва ётоқхоналардан фойдаланиш бошқармасига қарашли бўлган ётоқхоналарнинг техник-коммунал хизмат кўрсатиш тариф (нарх)ларига ўзгартириш киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 августдаги "Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида"ги ПФ-6279-сонли Фармонида назарда тутилган талаблар ижросини таъминлаш мақсадида вилоят ҳокимлиги Молия бошқармасининг 2022 йил 1 апрелдаги хулосасига асосан ҳамда шаҳар ҳокимлиги Уй-жой ва ётоқхоналардан фойдаланиш бошқармасининг 2022 йил 5 апрелдаги 01-07/162-сонли хатини инобатга олиб, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6, 24-моддасига асосан Халқ депутатлари шаҳар Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1.Навоий шаҳар ҳокимлиги Уй-жой ва ётоқхоналардан фойдаланиш бошқармасига қарашли бўлган ётоқхоналарнинг техник-коммунал хизмат кўрсатиш тарифларига ўзгартириш киритиш тўғрисида шаҳар ҳокимлиги Уй-жой ва ётоқхоналардан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи (Э.Сувонқулов)нинг берган ҳисоботи маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2.Навоий шаҳар ҳокимлиги Уй-жой ва ётоқхоналардан фойдаланиш бошқармасига қарашли ётоқхоналарнинг техник-коммунал хизмат кўрсатиш тарифлари 1 ва 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

3. Хизмат кўрсатиш тарифлари калькуляцияси қарор қабул қилингандан сўнг ўзгариши инобатга олинсин.

4. Халқ депутатлари Навоий шаҳар Кенгашининг 2021 йил 6 майдаги “Навоий шахар ҳокимлиги Уй-жой ва ётоқхоналардан фойдаланиш бошқармасига қарашли ётоқхоналарнинг техник-коммунал хизмат кўрсатиш тарифларини ўзгартириш тўғрисида”ги XXIV/203-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб топилсин.

5.“Навоий зиёси” газетаси бош муҳаррири (Ў.Санақулов) ва шаҳар ҳокимлиги матбуот хизматига газета ҳамда ижтимоий тармоқларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорига мувофиқ коммунал тўловлар нархи ўзгарганда хизмат кўрсатиш калькуляцияси Навоий вилоят молия бошқармаси билан келишилган ҳолда УЖЁФБ томонидан ўзгартирилиб борилиши мазмун моҳиятини кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

6.Шаҳар ҳокимлиги девонхонаси мудири (А.Хушвақов)га мазкур қарор нусхасини манфаатдор ташкилотларга юбориш вазифаси юклатилсин.

7.Ушбу қарор ижросини назорат қилиш халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг “Саноат, транспорт, қурилиш, коммунал соҳа ва аҳолига хизмат кўрсатиш масалалари бўйича” доимий комиссияси раиси (А.Мирзаев) ҳамда шаҳар ҳокимининг ўринбосари (Б.Қодиров) зиммасига юклатилсин.

Сессияда раислик қилувчи **Р. Қ. Ғаффоров**

Xalq deputatlari Navoiy shahar
Kengashining
2022 yil 22 iyundagi
VII-44-94-5-79-K/22-son qaroriga
1-ilova

Шаҳар ҳокимлиги УЖЁФБга қарашли 1-3, 5-8, 10, 14-сонли ётоқхоналарни бир ўрин жой учун бир ойлик ҳаражатлар сметаси

№	Харажатлар номи	Бир ўрин жой (минг сўмда)
	Бир ўрин жами миқдори – 5332 та	
1	**КИРИМ**	
1,1	Аҳолидан кирим	**7166215**
1,2	Бошқа киримлар	
1,3	Жами кирим	**7166215**
2	**ХАРАЖАТЛАР**	
2,1	Газ таъминоти	118348
2,2	Электр энергияси	821570
2,3	Дезинфекция	67253
2,4	Чиқинди чиқариш	179988
2,5	Алоқа	9489
2,6	Иссиқ сув	359 895
2,7	Совуқ сув	197 353
2,8	Оқава сув	378 264
2,9	Иситиш тармоғи	422 367
2,10	Иш хақи	3057000
2,11	12 % ажратма	366840
2,12	Материал харажатлар	374420
2,13	Амартизация	227293
2,14	Банк харажатлари	38106
2,15	Солиқлар	6679
2,16	Лифт хизмати	30350
2,17	Жорий таъмирлаш	511000
ЖАМИ ХАРАЖАТ		**7166215**
1 ўрин жой таннархи сўмда		**112000**

Xalq deputatlari Navoiy shahar
Kengashining
2022 yil 22 iyundagi
VII-44-94-5-79-K/22-son qaroriga
2-ilova

Шаҳар ҳокимлиги УЖЁФБ га қарашли 9-сонли ётоқхонани бир ўрин жой учун бир ойлик ҳаражатлар сметаси

№	Харажатлар номи	Бир ўрин жой (минг сўмда)
	Бир ўрин жами миқдори – 235 та	
1	**КИРИМ**	
1,1	Аҳолидан кирим	276361
1,2	Бошқа киримлар	
1,3	Жами кирим	276361
2	**ХАРАЖАТЛАР**	
2,1	Газ таъминоти	21473
2,2	Электр энергияси	29051
2,3	дезинфекция	1002
2,4	Чиқинди чиқариш	16815
2,5	алоқа	255
2,6	Иссиқ сув	8956
2,7	Совуқ сув	31841
2,8	Оқава сув	31897
2,9	Иситиш тармоғи	15356
2,10	Иш хақи	100192
2,11	12 % ажратма	12023
2,12	Материал харажатлар	6695
2,13	Амартизация	673
2,14	Банк харажатлари	-
2,15	Солиқлар	132
ЖАМИ ХАРАЖАТ		**276361**
1 ўрин жой таннархи		**98000**